

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2026, № 4 (17)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхуджаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
Сиёсий фанлари доктори (DSc), доцент
Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби

Гаффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети
Сиддиқов Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Бахранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Sirojov Bahodir Nishon o'g'li THE SPECIFIC FEATURES OF THE MONETARY REFORM IMPLEMENTED BY ABDULLAH KHAN II	4
2	Суярова Феруза Собир кизи ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛИЙ САНЪАТ ВА ХУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ТИКЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ	9
3	Тухтабеков Козимбек Азимбекович ШАЙБОНИЙХОН ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ: САМАРҚАНДДАГИ МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН МАДРАСАСИ (МАДРАСА-ЙИ ОЛИЯ) ТАРИХИ	17
4	Тухтабеков Козимбек Азимбекович ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	27
5	Узаков Бахром Нигматович ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ҚАШҚАДАРЁДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	36
6	Xayitov Zafar Uzakovich MENANDRNING “TARIX” ASARI ILK VIZANTIYA DIPLOMATIYASI BO‘YICHA MANBA SIFATIDA	45
7	Shaydullayeva Guljahon Shapulatovna., Rahmonqulova Zumrad Boyxurazovna OKSNING ENEOLIT VA BRONZA DAVRI TABIIY SHAROITI VA IQLIM O‘ZGARISHLARI	53
8	Шакиров Ильяс Рахимзянович ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВЬЕТНАМСКОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ: ОТ КИТАЙСКОГО ВЛИЯНИЯ ДО НЕЗАВИСИМОСТИ	61
9	Eralov Azamat Jomurodovich O‘ZBEKISTON TURIZMINI RIVOJLANISHIDA BUXORO ETNOTURIZMINING AHAMIYATI	68
10	Эргашева Юлдуз Алимовна ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	74
11	Eshtemirov Jasurbek Suyunkulovich INTRODUCTION OF NEW RULES AND CHANGES IN THE ADMINISTRATIVE AND POLITICAL MANAGEMENT OF THE CITY OF KARSHI UNDER THE SUBORDINATION OF THE BUKHARA EMIRATE TO THE RUSSIAN EMPIRE	81
12	Эштемиров Жасурбек Суюнкулович ПОРЯДОК СБОРА НАЛОГОВ И ПОДАТЕЙ В ГОРОДЕ КАРШИ В ПОСЛЕДНИЙ ПЕРИОД СУЩЕСТВОВАНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА (1900–1920 ГГ.)	88
13	Эшқувватов Бобир Валикул ўғли МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХРИСТИАН КОНФЕССИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ	97

Тухтабеков К. А.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти, т.ф.н.

Ўзбекистон Миллий университети

kozimazimbek@mail.ru

ШАЙБОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Шайбонийлар сулоласи (1500–1601 йй.) тарихининг ўрганилиш жараёни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Мавзунинг манбавий базаси, тадқиқ этилиш босқичлари (мумтоз нарратив анъана, рус-совет шарқшунослиги, совет даври тарихшунослиги, мустақиллик даври миллий тарихшунослиги ҳамда хорижий тадқиқотлар) кетма-кет кўриб чиқилади. Шунингдек, мавзуни замонавий илмий асосда тадқиқ этишнинг методологик тамойиллари ёритилади ва тарихшуносликдаги долзарб муаммолар кўрсатиб ўтилади.

Калит сўзлар: Шайбонийлар сулоласи, Бухоро хонлиги, тарихшунослик, манбашунослик, формацион ёндашув, цивилизацион ёндашув, методология.

КИРИШ

Ўзбек давлатчилиги тарихида Шайбонийлар сулоласи (1500–1601 йй.) алоҳида ўрин тутди. Бу сулола Мовароуннаҳрда темурийлар ҳукмронлигидан кейин янги марказлашган давлатчилик анъаналарини шакллантирган, минтақа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида чуқур из қолдирган давр ҳисобланади. Шу боис Шайбонийлар давлатининг сиёсий тузилиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, маданий-маърифий ҳаёти ва ташқи алоқалари тарих фанида доимий равишда тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Бироқ мавзунинг кўп қиррали тадқиқ этилиши, ундан ҳам муҳимроғи, турли даврларда турли методологик асосларда ёритилгани мазкур тарихшуносликни танқидий таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Мазкур мақоланинг мақсади – Шайбонийлар сулоласи тарихининг ўрганилиш жараёнини тарихшунослик нуқтаи назаридан тизимли таҳлил қилиш ва мавзунинг замонавий илмий тадқиқ этилиши учун зарур бўлган назарий-методологик асосларни аниқлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: мавзу тарихшунослигининг шаклланиш босқичларини аниқлаш; ҳар бир босқичга хос манбавий база ва методологик хусусиятларни очиб бериш; замонавий тадқиқот учун методологик тамойилларни асослаш; мавзудаги долзарб муаммоларни кўрсатиб ўтиш.

Шайбонийлар сулоласи тарихини ўрганишнинг назарий-методологик асосларини очиб бериш учун, аввало, мавзу тарихшунослигининг шаклланиш босқичларини, ундан кейин эса ҳар бир босқичга хос бўлган методологик ёндашувлар ва манбавий базани алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Шайбонийлар тарихшунослигининг асосий босқичлари

Шайбонийлар давлати тарихини ўрганиш бир неча тарихий-хронологик босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқич – даврнинг ўзида яратилган мумтоз тарихий-нарратив асарлар бўлиб, уларни бевосита тарихшунослик эмас, балки тарихий манба сифатида баҳолаш тўғрироқдир, лекин улар кейинги барча тадқиқотларнинг манбавий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Бу қаторга Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон Исфажонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» асари [1], Муҳаммад Солиҳнинг 1506–1507 йилларда яратилган «Шайбонийнома» достони [2], Биноийнинг «Шайбонийнома» (Фатҳномаи хоний) асари ва Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» («Абдулланнома») асари [3] киради. Ушбу асарлар воқеалар замондоши бўлган муаллифлар томонидан ёзилгани сабабли уларда даврнинг сиёсий-мафкуравий қарашлари, сулола легитимлигини асословчи ғоялар акс этган – бу ҳолат уларни танқидий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади.

Иккинчи босқич – XIX аср охири – XX аср бошларидаги рус ва Ғарб шарқшунослигидир [4]. В.В. Бартольд, В.В. Григорьев, Н.И. Веселовский каби олимлар қўлёзма манбаларни аниқлаш, каталоглаштириш ва илк илмий таҳлилга тортиш борасида катта иш олиб бордилар. Айниқса, В.В. Бартольднинг Мовароуннаҳр тарихига оид тадқиқотлари [5] Шайбонийлар даврига бўлган сиёсий жараёнларнинг узвий давомийлигини кўрсатиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бироқ бу давр тадқиқотларига хос хусусият – уларнинг кўпроқ манбашунослик ва филологик йўналишда бўлгани, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши эса етарлича ёритилмагани эди.

Учинчи босқич – совет даври тарихшунослиги (1920–1991 йй.) бўлиб, бу давр методологияси марксча-ленинча формацион ёндашувга, яъни жамиятни ижтимоий-иқтисодий формациялар (қулдорлик, феодализм ва ҳ.к.) нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асосланган эди. Шу даврда А.А.Семёнов [6] «Шайбонийнома» каби манбаларни нашр этиш ва таржима қилиш борасида муҳим иш олиб борди, А.Ю. Якубовский эса ўзбек давлатчилигининг шаклланиш жараёнларини тадқиқ этди [7]. Ўзбек тарихчиси Б.А.Аҳмедовнинг «Государство кочевых узбеков» (1965) номли монографияси [8] Шайбонийлар давлатининг сиёсий тарихи бўйича то ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган асосий тадқиқотлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Р.Г. Мукминова вақф ҳужжатлари асосида давр ижтимоий-иқтисодий муносабатларини, ер эгалиги тизимини чуқур ўрганди [9]. Совет даври тарихшунослигининг ижобий томони – манбаларни илмий муомалага кенг жалб қилиш, ижтимоий-иқтисодий тарихни тизимли ўрганиш бўлса, салбий томони – мафкуравий тазйиқ остида «феодал зулм», «синфий кураш» каби қолипларга кўра баҳо беришнинг устувор бўлганида эди, бу эса сулола фаолиятининг давлатчилик ва маданий аҳамиятини кўпинча иккинчи даражага суриб қўярди.

Тўртинчи босқич – мустақиллик даври (1991 йилдан ҳозиргача) ўзбек тарихшунослигидир. Бу даврда миллий давлатчилик тарихини объектив ва яхлит тизим сифатида ўрганишга, синфий-формацион ёндашувдан воз кечиб, цивилизацион ва миллий-маданий ёндашувларга ўтишга алоҳида эътибор қаратилди. Шайбонийлар давлати темурийлар давлатчилиги анъаналарининг давомчиси сифатида, ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг узвий бир босқичи сифатида баҳоланмоқда. Мазкур давр тадқиқотларида, жумладан Б.Аҳмедовнинг кейинги йиллардаги ишларида [10], шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти олимлари тадқиқотларида давлат бошқаруви тизими, дипломатик алоқалар, шаҳарсозлик ва маданий ҳаёт масалалари янги маълумотлар асосида қайта кўриб чиқилмоқда.

Бешинчи йўналиш сифатида хорижий тарихшуносликни алоҳида кўрсатиш лозим. Ғарб тадқиқотчиларидан Мартин Диксоннинг Сафавийлар ва ўзбеклар муносабатларига бағишланган тадқиқоти [11], Одри Бертоннинг Бухоро хонлигининг сиёсий-дипломатик ва савдо тарихига оид асари [12], Юрий Брегелнинг Ўрта Осиё тарихий географияси ва хонликлар тарихига оид ишлари [13] жаҳон тарих фанида Шайбонийлар мавзусини қиёсий ўрганишга муҳим ҳисса қўшди. Шунингдек, эрон ва турк тарихшунослигида ҳам сафавий-шайбоний муносабатлари, харбий ва дипломатик алоқалар нуқтаи назаридан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Манбавий база

Шайбонийлар тарихини ўрганишнинг методологик асосларидан бири – манбаларнинг турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда уларни комплекс тарзда таҳлил қилишдир. Мавзу манбавий базасини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: биринчидан, нарратив (тарихий-хроникавий) манбалар – юқорида санаб ўтилган асарлар (қаранг: 1- ва 2-иловалар); иккинчидан, ҳужжатли манбалар – вақфномалар, фармонлар, мулк ҳужжатлари, элчилик ёзишмалари; учинчидан, нумизматик манбалар – тангалар орқали иқтисодий муносабатлар ва ҳукмдорлар унвонларини аниқлаш имконини беради; тўртинчидан, эпиграфик манбалар – меъморий обидалар ва қабр тошларидаги битиклар; бешинчидан, археологик маълумотлар.

Ҳужжатли манбалар ичида вақфномалар алоҳида ўрин тутди: улар ер эгаллиги тизими, солиқ муносабатлари ва диний муассасаларнинг иқтисодий асосини ёритиб беради. Бу борада Р.Г.Мукминовнинг тадқиқотлари [14] намунавий аҳамиятга эга. Нарратив манбалар орасида эса Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланом» асари [15] ўзининг тўлиқлиги ва тизимлилиги билан ажралиб туради, у Абдуллахон II даврининг деярли барча йирик воқеаларини йил-йили билан баён этади. Фақат шу манбалар мажмуини қиёсий-танқидий таҳлил қилиш орқали даврнинг холис манзарасини тиклаш мумкин.

Тадқиқот методологияси ва тамойиллари

Шайбонийлар сулоласи тарихини замонавий тадқиқ этишда услубий жиҳатдан илмий тадқиқотнинг умумий ва махсус методларига таяниш зарур. Умумий

методлар қаторига таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, абстраклаштириш кабилар кирса, махсус (тарихий) методлар қаторига қуйидагилар кирази:

- тарихийлик тамойили, яъни воқеа ва ходисаларни ўз даврининг ижтимоий-сиёсий шароити контекстида, замонавий тушунчаларни ўтмишга механик равишда кўчирмасдан баҳолаш;

- илмий объективлик тамойили – сулола фаолиятини на идеаллаштириш, на бир томонлама салбий баҳолашга йўл қўймаслик;

- тизимли-комплекс ёндашув – сиёсий тарихни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва диний жараёнлар билан узвий боғлиқликда ўрганиш;

- қиёсий-тарихий метод – Шайбонийлар давлатини замондош давлатлар (Сафавийлар, Усманийлар, Бобурийлар Ҳиндистони) билан қиёслаган ҳолда ўрганиш, бу орқали давлатчилик тизимининг минтақавий ва умумтарихий ўрнини белгилаш;

- хронологик метод – воқеа ва ходисаларни вақт кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда баён этиш (қаранг: 1-илова);

- танқидий манбашунослик тамойили – ҳар бир манбанинг яратилиш мақсади, муаллифнинг мавқеи ва мафкуравий йўналишини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;

- фанлараро ёндашув – тарих фани билан бирга манбашунослик, тилшунослик, нумизматика, эпиграфика ва тарихий география маълумотларидан биргаликда фойдаланиш.

Юқорида санаб ўтилган тамойилларнинг мажмуий тарзда қўлланилиши, бир томондан, мавзунинг мафкуравий қолиплардан холи ҳолда ўрганилишини таъминласа, иккинчи томондан, турли тарихшунослик мактаблари томонидан тўпланган илмий тажрибадан унумли фойдаланиш имконини беради.

Шайбонийлар мавзусидаги мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бир қатор масалалар ҳали ҳам етарли даражада ёритилмаган ёки қайта кўриб чиқишни талаб этади. Жумладан, давлат бошқаруви тизимининг ички механизмлари, сулола ичидаги ерга эгалик ва мерос тартиботи, марказий ва вилоят ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар (айниқса 1540–1561 йиллардаги парчаланиш даврида – қаранг: 1-илова), шунингдек мазкур давр маданий ҳаёти ва илм-фан ютуқларининг умумтарихий контекстдаги ўрни борасида яхлит концептуал тадқиқотлар етишмайди. Бундан ташқари, совет даврида яратилган асарларни мафкуравий қолиплардан холи ҳолда қайта баҳолаш, шунингдек хорижий архивлардаги янги ҳужжатли манбаларни илмий муомалага киритиш замонавий тарихшунослик олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Шайбонийлар сулоласи тарихини ўрганиш узоқ ва кўп қиррали тарихшунослик анъанасига эга бўлиб, у мумтоз нарратив манбалардан тортиб то замонавий фанлараро тадқиқотларгача бўлган йўлни босиб ўтган. Мавзунинг назарий-методологик асосларини белгилашда тарихийлик, объективлик, тизимлилик ва танқидий манбашунослик тамойилларига таяниш, шунингдек турли тарихшунослик мактаблари (рус-совет, миллий, ғарб) томонидан тўпланган тажрибани танқидий синтез қилиш замонавий тадқиқотчи олдидаги энг муҳим методологик вазифа бўлиб қолмоқда. Келгусида мавзуни янада чуқур ўрганиш учун хорижий архивлардаги янги ҳужжатли манбаларни илмий муомалага киритиш

хамда фанлараро (нумизматика, эпиграфика) тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Мехман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Пер., предисл. и примеч. Р.П.Джалиловой; под ред. А.К.Арендса. – М.: Наука, 1976.
2. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – 1506–1507 йй. ёзилган, 76 боб ва 8902 мисрадан иборат тарихий-жангнома достони.
3. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий). – Тошкент: Шарқ, 1999–2000.
4. Григорьев В.В., Веселовский Н.И. каби рус шарқшунослари XIX аср охирида Ўрта Осиёга оид қўлёзма манбаларни аниқлаш ва каталоглаштириш борасида қатор ишларни амалга оширганлар.
5. Бартольд В.В. Сочинения: в 9 т. – М.: Восточная литература, 1963–1977.
6. Семёнов А.А. форс-тожик тилидаги «Шайбонийнома» ва бошқа қатор манбаларни рус тилига таржима қилиш ҳамда илмий муомалага киритиш борасида муҳим иш олиб борган.
7. Якубовский А.Ю. ва бошқалар иштирокида тайёрланган икки жилдли «История народов Узбекистана» (2-жилд: XVI аср – 1917 йил) 1947 йилда чоп этилган бўлиб, Шайбонийлар давлатининг шаклланиш жараёнлари биринчи марта академик тарзда ёритилган.
8. Аҳмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965.
9. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV–XVI вв. – Ташкент: Фан, 1985.
10. Аҳмедов Б.А. Кўрсатилган асар; шунингдек муаллифнинг мустақиллик даврида чоп этилган кейинги мақола ва тадқиқотлари.
11. Dickson M.B. Shah Tahmasp and the Uzbeks (the Duel for Khurasan with 'Ubayd Khan, 1524–1540): PhD diss. – Princeton University, 1958.
12. Burton A. The Bukharans: A Dynastic, Diplomatic and Commercial History, 1550–1702. – Richmond: Curzon Press, 1997.
13. Bregel Yu. An Historical Atlas of Central Asia. – Leiden: Brill, 2003.
14. Мукминова Р.Г. Кўрсатилган асар.
15. Ҳофиз Таниш Бухорий. Кўрсатилган асар.
16. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Мехман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Пер., предисл. и примеч. Р.П.Джалиловой; под ред. А.К.Арендса. – М.: Наука, 1976.
17. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Ёзилган йили: 1506–1507; асар 76 боб ва 8902 мисрадан иборат тарихий-жангнома достони.
18. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий). – Тошкент: Шарқ, 1999–2000.
19. Аҳмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965.
20. Бартольд В.В. Сочинения: в 9 т. – М.: Восточная литература, 1963–1977.
21. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV–XVI вв. – Ташкент: Фан, 1985.

22. История народов Узбекистана: в 2 т. / Отв. ред. С.В.Бахрушин, В.Я.Непомнин, В.А. Шишкин. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1947. – Т. 2: XVI в. – 1917 г.
23. Bregel Yu. An Historical Atlas of Central Asia. – Leiden: Brill, 2003.
24. Burton A. The Bukharans: A Dynastic, Diplomatic and Commercial History, 1550–1702. – Richmond: Curzon Press, 1997.
25. Dickson M.B. Shah Tahmasp and the Uzbeks (the Duel for Khurasan with 'Ubayd Khan, 1524–1540): PhD diss. – Princeton University, 1958.

Тухтабеков К. А.

К.и.н., доцент кафедры «История Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана

kozimazimbek@mail.ru

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ ДИНАСТИИ ШЕЙБАНИДОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется процесс изучения истории династии Шайбанидов (1500–1601 гг.) с точки зрения историографии. Последовательно рассматриваются источниковая база темы и этапы её изучения: классическая нарративная традиция, русско-советское востоковедение, советская историография, национальная историография периода независимости, а также зарубежные исследования. Раскрываются методологические принципы современного научного изучения темы, обозначаются актуальные проблемы историографии.

Ключевые слова: династия Шайбанидов, Бухарское ханство, историография, источниковедение, формационный подход, цивилизационный подход, методология.

Tukhtabekov K. A.

Associate professor, PhD at the department of «History of Uzbekistan»
National university of Uzbekistan

kozimazimbek@mail.ru

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS FOR THE STUDY OF THE HISTORY OF THE SHAYBANID DYNASTY

ABSTRACT

This article examines the historiography of the Shaybanid dynasty (1500–1601), tracing the source base and the successive stages of its study: the classical narrative tradition, Russian-Soviet Oriental studies, Soviet historiography, national historiography of the independence period, and foreign scholarship. It further

outlines the methodological principles applicable to contemporary research on the topic and identifies unresolved problems in current historiography.

Keywords: Shaybanid dynasty, Khanate of Bukhara, historiography, source studies, formational approach, civilizational approach, methodology.

ИЛОВАЛАР

1-илова. Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари (хонлари) рўйхати

№	Ҳукмдор номи	Ҳукмронлик йиллари	Изоҳ
1	Муҳаммад Шайбонийхон	1500–1510	Сулола асосчиси; 1510 йилда Марв жангида сафавийларга қарши курашда ҳалок бўлган
2	Кўчкунчихон	1510–1530	Шайбонийхоннинг амакиси; пойтахт – Самарқанд
3	Абу Саидхон	1530–1533	–
4	Убайдуллахон	1533–1539	Давлат пойтахти Бухорога кўчирилган; шоир ва давлат арбоби
5	Абдуллахон I	1539–1540	Атиги олти ой ҳукмронлик қилган
6	Абдулазизхон (Бухорода)	1540–1550	Мамлакат парчаланиш даврининг бошланиши
7	Абдулатифхон (Самарқандда)	1540–1551	Абдулазизхон билан бир вақтда, параллел ҳукмронлик қилган
8	Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон)	1551–1556	Тошкент ва Сирдарё бўйи вилоятлари ҳукмдори
9	Пирмуҳаммадхон I	1557–1561	–
10	Искандархон	1561–1583	Ҳокимият амалда ўғли Абдуллахон қўлида бўлган
11	Абдуллахон II	1583–1598	Давлатни қайта марказлаштирган энг йирик ҳукмдор; Фарғона, Балх, Хоразм каби ҳудудларни бирлаштирган
12	Абдулмўминхон	1598–1599	Атиги олти ой ҳукмронлик қилиб, суиқасд натижасида ҳалок бўлган
13	Пирмуҳаммадхон II	1599–1601	Сўнгги Шайбоний хони; 1601 йилда

№	Ҳукмдор номи	Ҳукмронлик йиллари	Изоҳ
			Самарқандда Боқи Муҳаммад билан бўлган жангда ҳалок бўлган – шундан сўнг ҳокимият Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласига ўтган

Изоҳ: 1540–1561 йиллар оралиғида мамлакат бир нечта вилоятӣ тахтларга (Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Балх) бўлиниб, уларда шайбоний султонлари параллел равишда ҳукмронлик қилган давр бўлиб, жадвалда марказий (Бухоро) тахт кетма-кетлиги асос қилиб олинган.

2-илова. Мавзуга оид асосий тарихий манбалар

№	Муаллиф	Асар	Яратилган давр	Қисқача тавсифи
1	Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон Исфажоний	Меҳмонномаи Бухоро	1509 й.	Шайбонийхоннинг Дашти Қипчоққа юриши ва даврнинг сиёсий-диний ҳаёти тасвирланган
2	Муҳаммад Солиҳ	Шайбонийнома	1506–1507 йй.	76 боб, 8902 мисрадан иборат тарихий-жангнома достони
3	Биноӣи (Камолиддин Биноӣи)	Шайбонийнома (Фатхномаи хоний)	XVI аср боши	Насрий услубда ёзилган тарихий хроника
4	Ҳофиз Таниш Бухорий	Абдулланом (Шарафномаи шоҳӣи)	XVI аср охири	Абдуллахон II даври воқеаларининг батафсил, расмӣи баёни

3-илова. Тарихшунослик босқичларининг қиёсий жадвали

Босқич	Давр	Асосий вакиллари	Методологик хусусияти
Мумтоз нарратив анъана	XVI аср	Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон, Муҳаммад Солиҳ, Биноӣи, Ҳофиз Таниш Бухорий	Воқеаларга замондош гувоҳлик; сулола легитимлигини асослаш
Рус-Ғарб шарқшунослиги	XIX аср охири – XX аср боши	В.В.Бартольд, В.В.Григорьев, Н.И.Веселовский	Манбашунослик-филологик йўналиш
Совет тарихшунослиги	1920–1991 йй.	А.А.Семёнов, А.Ю.Якубовский, Б.А.Аҳмедов, Р.Г.Мукминова	Формацион (марксча-ленинча) ёндашув
Мустақиллик	1991 й. –	Б.Аҳмедов (кейинги)	Цивилизацион, миллий-

Босқич	Давр	Асосий вакиллари	Методологик хусусияти
даври тарихшунослиги	хозиргача	йиллар), ЎзР ФА Тарих институти олимлари	маданий ёндашув
Хорижий тарихшунослик	XX–XXI аср	M.Dickson, A.Burton, Yu.Bregel	Қиёсий-тарихий, минтақавий таҳлил

4-илова. Асосий терминлар луғати (гlossарий)

Манбашунослик – тарихий манбаларни аниқлаш, тартиблаш ва танқидий таҳлил қилиш билан шуғулланувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаси.

Тарихшунослик – муайян мавзу бўйича тўпланган илмий тадқиқотлар мажмуини ва уларнинг тарихий ривожланишини ўрганувчи соҳа.

Формацион ёндашув – жамият тараққиётини ижтимоий-иқтисодий формациялар (қулдорлик, феодализм, капитализм ва ҳ.к.) алмашинуви орқали тушунтирувчи методологик йўналиш.

Цивилизацион ёндашув – тарихни алоҳида цивилизация ва маданиятларнинг ўзига хос ривожланиш йўли нуқтаи назаридан тадқиқ этувчи методологик йўналиш.

Вақфнома – диний ёки хайрия мақсадларида мулкни (ер, бино ва ҳ.к.) бирор муассасага (масжид, мадраса) бахшида этиш тартибини қайд этувчи ҳужжат.

Нумизматика – тангалар ва пул муомаласи тарихини ўрганувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаси.

Эпиграфика – тош, метал ёки бошқа қаттиқ юзаларга ёзилган битикларни ўрганувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаси.

Легитимлик – ҳокимиятнинг қонунийлиги ва жамият томонидан тан олинishi.